



В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КҮНГА 90 ЙИЛ ТЎЛДИ

БУТҲУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

7-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 80 (1600)
22
АПРЕЛЬ
ЖУМА
1960 ЙИЛ
БАҲОСИ
20 ТИЙИН.

БАШАР ҚУЁШИ

22 апрель 1870 йил... Симбирск... Баҳор табиғатга ўзининг хушбўй — ранг-баранг, беҳисоб гулларини ҳада қилган гул фасли эди ўшанда. Қуёш бутун мавжудотга ҳаётбахш нурларини саҳийлик билан таратарди. Шунда Ульяновлар оиласида қувончи ҳодиса юз берганди. Оилада янги фарзанд, ўғил, меҳмон туғилди. Ота-она севинчи ниҳоятсиз эди.

Ленин — маълумларнинг меҳрибони ва йўлдоши, каттакичи халқлар ва миллатларнинг халоскори ва дўстидир. Чоризмнинг миллатлар ва халқларни ҳақоратловчи жирканч мустамлака сиёсати азобидан, маҳаллий бойлар, феодаллар захматидан эзилб келган ўшша халқлари Улуғ Октябрьнинг халоскор нур-чашмасидан, Ленин генийсидан нажот топдилар. СССРдаги барча халқлар каби ўзбек халқи ҳам, эндиликда коммунизм кураётган СССР халқларининг қардошлик оиласида бахтиёр яшаётган экан, бунинг учун улуғ Лениндан, Коммунистик партиядан абадий миннатдордир.

Агар дастгоҳ ва заводларда ўз меҳнати самараларидан берад қувончга тўлган ўзбек ишчисидан сента бундай бахтли, озода ҳаётни ким берди деб сўрасангиз, Ленин дейди. Обод ва кўркам колхоз қишлоғида пахтадан мўл ҳосил етиштириб, бутун мамлакатга донги кетган мизраҳулик ўзбек пахтакоридан қалбига энг яқин киши ким десангиз, Ленин дейди. Илмий-техник институтларида, лабораторияларида, олий ўқув юрларида фан чўққиларини эгаллаётган, қонот сирларини ошарган, инсониятнинг бахт-саодати йўлида йиғилган ҳар бир олим, илмий ходим, философ, ёзувчи, ҳушлас ҳар бир касб эгаси Ленинни ўз раҳамоси, илҳомчиси, яқин маслаҳатгўйи деб билди.

Коммунистик партия — Ленин партиясидир. Ленин билан партия қон-қардош, жондош. Партия деганда биз Ленинни, Ленин деганда Коммунистик партияни тушунамиз.

Партия ва Ленин қондош — эгизак, — Она тарих учун қайбери қиммат? Ленинни англаймиз партия десак, Ленин деганимиз партия демак.

(В. Маяковский).

Ленин бизнинг қалбимизда, гидрокимизда, меҳр-муҳаббатимизда яшмоқда. Биз ҳамма жойда, ҳар кун, ҳар соат, ҳар минут Ленинни кўрмаймиз. Гўё у биз билан бирга ёнма-ён яшаб тургандек. СССРда тўла ғалаба қилган социализм ва кенг аяқ олдириб юборилган коммунизм қурилиши ишларидан, партия XXI съездининг тарихий қарорларидан, жаҳон социализмининг янги йўлларида қозғалган ҳалқлар коммунистик ва ишчилар ҳаракатида, ҳукуматимизнинг бутун прогрессива дунё маққуллаётган тинч-тотув янги сиёсатида, ҳаётимизда фаровон оиламизда, ҳушлас ҳамма жойда Ленин ва унинг ҳаётбахш голлари яшмоқда, тантана қилмоқда.

Бутун Владимир Ильич Ленин туғилган кунга 90 йил тўлди. Бутун дунё меҳнаткашларининг буюк ва доно йўлбошчиси, устози ва меҳрибони В. И. Лениннинг ёрқин ҳаёти йўли, аjoyиб сиймоси асрлар давомида миллионлар қалбида абадий яшайди.

Лениннинг гўлиб байроғи осиди, улуғ Коммунистик партия раҳбарлигида. Коммунизмнинг янги-янги ғалабалари сари, олға!

ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ХУЗУРИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ СОҲАСИДАГИ ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИ КОМИТЕТИДА

Адабиёт, журналистика ва публицистика ҳамда санъат соҳасидаги энг катта муваффақиятли ишлар учун Ленин мукофотлари бериш тўғрисида

Адабиёт ва санъат соҳасидаги Ленин мукофотлари комитети адабиёт, журналистика ва публицистика ҳамда санъат соҳасидаги энг катта муваффақиятли ишлар учун 1960 йилги Ленин мукофотларини қуйидагиларга бериш ҳақида қарор қилди:

АДАБИЁТ СОҲАСИДА

1. Рильский Максим Фаддеевичга — «Атир гул ва узум» ҳамда «Қўз илғамас уфқлар» шеърлар тўпламлари учун.
2. Турсунзода Мирзога — «Осиё садоси» шеър ва поэмалар тўплами ҳамда «Ҳасан аравакам» поэмаси учун.
3. Шолохов Михаил Александровичга — «Очилган қўриқ» романи учун. I ва II китоблар.

ЖУРНАЛИСТИКА ВА ПУБЛИЦИСТИКА СОҲАСИДА

1. Адзубей Алексей Иванович, Грибачёв Николай Матвеевич, Жуков Георгий Александрович, Ильичев Леонид Федорович, Лебедев Владимир Семёнович, Литовко Евгений Владимирович, Матвеев Викентий Александрович, Орлов Владимир Иванович, Сатюнов Павел Алексеевич, Троляновский Олег Александрович, Шевченко Андрей Степанович, Шуйский Григорий Тифимовичларга — «Америка билан юзма-юз туриб. Н. С. Хрущёвнинг АҚШга қилган сафари ҳақида қисса» китоби учун.

САНЪАТ СОҲАСИДА

1. Бондарчук Сергей Федоровичга — режиссер ва Соколов ролининг ижрочиси, Монахов Владимир Васильевичга — оператор «Нисон тақдир» номли бадиий фильм учун.
2. Кармен Роман Лазаревичга — режиссёр, Мамедов Жаваншир Муса ўғлига — оператор, Мединский Сергей Евгеньевичга — оператор — «Каспий нефтьчилари ҳақида қисса» ва «Денгизни забот этувчилар» номли рангли ҳужжатли фильмлар учун.
3. Ойстрах Давид Федоровичга — музика-ижрочилик соҳасидаги жуда катта муваффақиятлари учун.
4. Свиридов Георгий Васильевичга — В. Маяковский сўзига ёзилган «Патетик ораторияси» учун.

Н. С. ХРУЩЕВ Янги Зеландия бош вазирини қабул қилди

ГАГРА, 20 апрель. (ТАСС махсус мухбири). Бу ерда дам олаётган СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрущёв Совет ҳукуматининг тақлифига мувофиқ Совет Иттифоқида расмий визит билан келган Янги Зеландия бош вазирини ва ташқи ишлар ва башқаруви Уолтер Нэшни бугун қабул қилди.

Н. С. Хрущёв билан Уолтер Нэш ўртасида дўстона суҳбат бўлди. Суҳбат давомида ҳар иккала томон ҳозирги халқро аҳоли проблемалари юзасидан фикр олишди, шу билан бирга Совет ҳукуматининг ёрдамига ва батамом қўролсизланиш ҳақидаги тақлифларига ва тинч-тотув яшаш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Томонлар ҳар иккала мамлакатни қизиқтиратган масалалар тўғрисида ҳам гаплашдилар.

В. И. ЛЕНИН биографиясининг янги нашри босмадан чиқди

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти ва авторлар коллективи томонидан тайёрланган «Владимир Ильич Ленин, биография» китоби босмадан чиқди ва сотила бошланди.

Китоб давлат сиёсий адабиёт нашриёти томонидан кўп нускада босиб чиқарилади. (ТАСС).

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советида

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети шаҳар қурилиши бўйича Бутуниттифоқ кенгашининг ўтказиш муддатини 1960 йил 7 июндан 10 июнгача қилиб белгиландилар. Кенгаш Москва шаҳрида Катта Кремль сароёида ўтказилади.

Самимий табриклар

Дўстлик, ўзаро ёрдам ва уруш-секарети Владислав Гомулкага, Польша Халқ Республикаси Давлат кенгашининг раиси Александр Завадскийга ва Министрлар Советининг раиси Юзеф Циранкевичга табрикнома юборилар.



П. Шестаков ишлаган расм.

Гафур ҒУЛОМ.

КОММУНИЗМ МЕЪМОРИГА

Ўр-қирин долалар буркаб ётипти. Индилоб йиллари алвон байроқдек. Шудгордан ўрлайди қўламининг тапти. Ер-океан, йирқлар яшил қирғоқдек. Қурама тизмасин ёнбағирлари Меҳнаткаш бол ари уени симон. Олтин тоғ қўмарлар ботир эрдари Хар бири. Фарҳоддай машҳур қаҳрамон. Тоғ-тоғ хазиналар қалашиб ётар. Яхвоҳир сандиқли Оҳангаронда. Қазилиш набатин талашиб ётар. Кимёгар дастгоҳи бўлган бу қонда. Фарҳоддан қўйга бошласанг сафар. Қўлтида йўл озиқ бир даста равот. Бир дoston бошланур ўн «Хамса» қада, Илҳомнинг уфқида беради ривож. Халқининг тутанмас давлатидир Сир, Малла тўққилари қурадат тимсоли. Бу дарё файзини қуйласам бир-бир Хар жумла мазмун Ширин висоли. Ленин декретлари кўрсатиб жамол.

Мизраҳу айланди боғу-бўстонга. Янги ер яратган минг соҳиб қамол Саодат маконин қураб инсонга. Пулат қадам билан ваэмин трактор Қўз етмас даланинг бағрин қилар чок. Оқ олтин воҳаси нур эмиб ётар. Бриллиант парадур бу муқаддас хок. Бу ер Тошкентдур ишчи аҳлининг Ўз қулда яратган шухрати-бахти. Қўш Ленин орденли ўзбек фахридор Дўстлик олсини зўр пойтахти. Бу ерда барча иш Москва тахлит, Хиёбон оралаб Ленин кезгандай. Умидлар пулатдан қуйгандай ахлит. Режамиз шахматта муҳра тизгандай. Ўшамиз меъмор коммунизмнинг Улуғ устозимиз тўқсон ёшдадир. Бизлар қўшимиз ушбу тузумнинг, Ҳаётини толамиз бизнинг бошдадир.

1960 йил, 20 апрель.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Совет давлатининг буюк асосчиси Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 90 йиллигини нишонлаш юзасидан СССР Министрлар Совети олий ўқув юрларининг студентлари ва аспирантлар учун В. И. Ленин номидаси стипендияларини таъсис этди.

Олий ўқув юрларининг энг яхши студентлари учун ойига 800 сўмдан 2.200 стипендия ва энг яхши аспирантлар учун ойига ҳар бири 1.100 сўмдан юз стипендия таъсис этилди.

ЛЕНИН ВАХТАСИДА

ОҚҚУРҒОНЛИКЛАРНИНГ МЕХНАТ СОВҒАСИ

Район меҳнаткашлари Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 90 йиллигини муносабат меҳнат совғалари билан нишонлаш учун курашиб, 20 апрелда, яъни ўтган йилдаги нисбатан 5 кун олдин тигит экинни туғалладилар. 17.380 гектар ерининг 9687 гектарига, яъни ўтган йилдаги нисбатан 2219 гектар ортиқ ерга квадрат-уялаб чигит экилди.

Шу кунларда ҳамма хўжаликларда чигитни бир текисда соғлом ундириб олиш учун қизгин кураш бормоқда.

Район пахтакорлари ҳамма ерда чигитни бир текисда ундириб олиш тадбирларини амалга оширмоқдалар. 15 майгача гузанинг биринчи парваринини туғаллаш мажбурияти олинди.

Бекободда В. И. Ленинга ҳайкал

БЕКОБОД, 21 апрель. (ЎзТАГ). Бутун В. И. Ленин номиданги Ўзбекистон металлургия заводида Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси хотирасига қурилган ҳайкални очини тантанали маросими бўлди.

Область районларида чигит ва маккажўхори экиннинг бориши тўғрисида 1960 йил 21 апрелгача бўлган МАЪЛУМОТ (Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Чигит экин		Маккажўхори ва оқ жўхори экин	
	Ҳаммаси	шу жумладан: шунинг ичида: рағулаб	Ҳаммаси	шу жумладан: рағулаб
Бекобод	100,0	103,9	58,7	45,7
Қўйи Чирчиқ	100,0	104,7	112,0	102,0
Оққўрғон	100,0	104,0	69,8	53,8
Юқори Чирчиқ	100,0	103,1	52,2	49,7
Ўрта Чирчиқ	100,0	101,0	54,8	67,7
Янги-Йўл	92,1	106,1	53,1	35,4
Янгиер шаҳри	90,8	101,7	71,3	65,5
Чиноз	90,6	94,0	71,9	23,1
Бўёқ	87,6	85,1	61,2	22,9
Гулистон	86,2	108,2	58,7	53,9
Пискент	86,0	80,2	97,6	57,1
Орқоникдэ	83,8	82,5	55,4	45,0
Сирдарё	81,3	75,0	77,9	78,4
Бўстонлиқ	—	—	39,5	93,0
Калинин	—	—	66,3	56,0
Олмалик шаҳри	—	—	36,3	17,8
Оҳангарон шаҳри	—	—	39,4	—
Область бўйича	91,6	97,7	64,4	57,3



ЛЕНИННИ АНГЛАЙНИЗ ПАРТИЯ ДЕСАК,

Тантанали йиғилишлар

Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашлари Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 90 йиллигини кенг нишонламоқдалар.

Октябрь райони меҳнаткашларининг йиғилишида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов В. И. Ленин туғилган кунининг 90 йиллиги тўғрисида доклад қилди.

Октябрь революцияси номидаги тепловоз-вагон ремонт заводининг юзлаб ишчилари қатнашган йиғилишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раиси О. А. Алимов доклад қилди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари М. А. Абдуразақов «Ўзбексельмаш» заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективини йиғилишида доклад қилди.

Тўқимачилик комбинатинда бўлиб ўтган йиғилиш қатнашчилари Ўзбекистон КП Марказий Комитети секретари З. Р. Раҳимбоевнинг докладини тингладилар.

«Таштекстильмаш» заводининг ишчилари ва инженер-техник ходимлари бу шонли кунга бағишланган тантанали йиғилишида Ўзбекистон КП Марказий Комитети бюросининг аъзоси Г. Ф. Наймушиннинг докладини тингладилар.

Радиолампа заводи коллективининг тантанали йиғилишида В. И. Ленин туғилган кунининг 90 йиллиги тўғрисида Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Қ. М. Муртазоев доклад қилди. (ЎзТАГ)

ЧИРЧИҚ, 21 апрель. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 90 йиллигига бағишланган умумшаҳар тантанали йиғилиши бўлди. Йиғилишда Тошкент области партия комитетининг биринчи секретари Р. Ғ. Гуломов доклад қилди.



В. И. Ленин Советларнинг II Бутуроссия съезида Совет ҳокимиятининг биринчи декретларини эълон қилмоқда. В. Серов чизган расмдан.

Доҳий васиятлари билан

Ушбу Октябрьдан илгари «Ўзбекистон санаети» деганда нималар тушунар ва нималарни тасаввур этар эди-у, ҳозир нималар кўз ўнгимизга келади, нималар намойи бўлади. Бармоқ билан сақариб қилич-қилич ибтидоий пахта заводлари, хумдонлар, аҳ ва қоронғу тўқув ҳамда қосиқчилик лўқонлари, обжувозлар, темирчилик устаконалари... Яна нималарни ҳам айтиш мумкин. Ушбу Октябрьдан олдинги босимиз ана шу эди.

Энди-чи? Ўзбекистон ўзининг қудратли индустрияси билан жуда кўп қатта-қатта чет мамлакатларини орқада қолдириб кетди. Халқимиз оқимдан пахта қосиқчилиги, қарханд ва биғиз-сўзандан автомат дастгоҳларга ўтди.

Ушбу доҳимиз Владимир Ильич Ленин деҳқончилигини ҳам қайта қўришга қодир бўлган йирик машиналашган санаетини социализмнинг бирдан-бир моддий асоси бўлиши мумкин, деб қўрсатган эди. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати қарддоғимиз Илчичнинг ана шу кўрсатмасини оғимшай амалга ошириш натижасида тарихан жуда қисқа вақт ичида бошқа қардош республикалар қатори Ўзбекистонининг ҳам қиёфаси таяиб бўлмаас даражада ўзгариб кетди. Республикада ҳозирги замон техникаси билан ускулланган санаетнинг йирик-йирик ўқоқлари бунёд этилди. Эндиликда Ўзбекистон санаети нималар ишлаб чиқармайди дейсиз. Кимё санаети уюнулари, тракторлар, пахта териб машиналари, автоприцеплар, култиватор ва сейалар, насослар, дизеллар, экскаваторлар ва ирригация машиналари, кино аппаратлари, қўдратли қранлар... Э-ҳа, санайберас буларнинг кети қўрманидир!

Биргина «Ташсельмаш» заводи урушдан олдинги йиллардаёқ Туркистонда революциядан илгари бў...

Илмий сессия

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институтини — КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институтининг филиали 20 апрелда В. И. Ленин туғилган кунининг 90 йиллигига бағишланган илмий сессия ўтказди. Сессияда шаҳардаги олий ўқув юрталарининг олимлари ва ўқитувчилари, Ушбу Октябрь социалистик революцияси ва граждандар урушининг қатнашчилари бўлган кўса болъшевиклар қатнашдилар.

Сессия қатнашчилари Ильич билан шахсан учрашган кўса болъшевикларнинг нутқларини эфр қизиқин билан эшитдилар.

Кўса болъшевикларнинг нутқлари партия архивда сақлаш учун магнитофон лентасига ёзиб олинди. (ЎзТАГ)

ТОШКЕНТ
ҲАҚИҚАТИ
2-БЕТ 1960 ЙИЛ, 22 АПРЕЛЬ.

ЛЕНИНИЗМ БАЙРОҒИ ОСТИДА

Бугун жаҳон пролетариатининг улуг доҳиси, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ҳамда тарихда биринчи социалистик давлатнинг асосчиси Владимир Ильич Ленин туғилган кунга 90 йил тўлди.

В. И. Ленин ўзининг бутун ҳаётини илгари ва деҳқонларни капиталистлар ва помещиклар аўлидан озод қилишга, социалистик жамият қуришга бағишлади. Шунинг учун ҳам унинг ҳаёти ва фаолияти рус ишчилар ҳаракатининг ва халқаро коммунистик ҳаракатининг тақдирини билан қамбарчас таъин қилган. Пролетариатга хос бўлган чинкам буюқлик ва қаҳрамонлик хислати — кучли ирод, темирдек мустаҳкам таъмир интизомга асосланган тартиб қуришнинг принципларини ишлаб чиқди. Шунинг учун ҳам Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг шонли тарихи Ленин номи билан қамбарчас боғлиқдир.

Иқдоркор революцион қурашларда чинқан, жамиятни ўзгартирувчи илгор назария билан қуролланган Коммунистик партия Россияда Ушбу Октябрь социалистик революциясини амалга оширди. Дунёда биринчи ишчи-деҳқонлар давлати барпо этилди. Бу социализмнинг айрим олган бир мамлакатда ғалаба қилиши мумкинлиги тўғрисидаги Ленин қашлар бағишлаганини, пролетариат революциясидан башорат берганлигини қўрсатиб бундай деган эди: «Бундан ропро-роста 54 йил илгари буюқ рус дарбеси соҳилида бир киши туғилди, бутун дунёни ларазга келтириш шу кишига насиб бўлди. Жаҳон революциясининг ташаббускори — рус ишчилар синфи ҳам шу вақтда туғилиб келаётган эди».

Революция генийси бўлган Ленин Маркс — Энгельс таълимотини янги шароитда илгорий ривожлантирди. Ленин марксизмнинг уч асосий таркибий қисми — диалектик ва тарихий материализм, сиёсий иқтисод ва илмий коммунизм назариясини илгорий равишда олза сурди, бойитди. Генал назария, таълилотчи, қамтар, олдин ва сўнгги, халқ эфр ҳўрмат ва муҳаббат билан Ильич деб атаган бу буюқ инсон марксизмин янги нафйефлар билан бойитди. Ленинизм — империализм ва пролетар революциясининг, СССРда социализм ва коммунизм қурилиш даврининг, жаҳон социалистик системасининг вужудга келиши ва ривожланиш даври.

нинг ҳамда кишилик жамиятининг капитализмдан коммунизмга ўтиш даврининг марксизмидир.

В. И. Ленин марксизмнинг покити учун доимо мурасасиз курашиб келди. «Экономистлар»га, «легал марксистлар»га, меншевикларга ва турли хил оппортунистларга қарши қурашда ишчилар синфининг пролетариат диктатураси учун қурашда асосий қурол бўлган партия тўғрисидаги таълимоти яратди ҳамда мустаҳкам таъмир интизомга асосланган тартиб қуришнинг принципларини ишлаб чиқди. Шунинг учун ҳам Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг шонли тарихи Ленин номи билан қамбарчас боғлиқдир.

Иқдоркор революцион қурашларда чинқан, жамиятни ўзгартирувчи илгор назария билан қуролланган Коммунистик партия Россияда Ушбу Октябрь социалистик революциясини амалга оширди. Дунёда биринчи ишчи-деҳқонлар давлати барпо этилди. Бу социализмнинг айрим олган бир мамлакатда ғалаба қилиши мумкинлиги тўғрисидаги Ленин қашлар бағишлаганини, пролетариат революциясидан башорат берганлигини қўрсатиб бундай деган эди: «Бундан ропро-роста 54 йил илгари буюқ рус дарбеси соҳилида бир киши туғилди, бутун дунёни ларазга келтириш шу кишига насиб бўлди. Жаҳон революциясининг ташаббускори — рус ишчилар синфи ҳам шу вақтда туғилиб келаётган эди».

В. И. Лениннинг мамлакатни социалистик индустриалаштириш, кишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ва маданий революцияни амалга ошириш тўғрисидаги кўрсатмаси социалистик жамият қурилишининг илмий программаси ва Коммунистик партия амалий фаолиятининг асоси бўлиб қолди.

Коммунистик партия Лениннинг социалистик жамият қуриш учун бизда ҳамма зарур нарсалар мавжуд деган кўрсатмасини мунтазам ва оғимшай амалга ошира борди ва бу йўлда ғў бўлиб турган оппортунистик таслимчилар — троцкичлар, бухаринчилар ва буржуа миллатчиларини фот қилди ва тор-мор келтирди. Совет халқи Ленин партиясин раҳбарлигида қисқа вақт ичида жаҳоншумул-тарихий аҳамиятга эга бўлган буюқ ғалабаларни қўлга киритди. Натияда мамлакатимизда коммунистик жамиятининг биринчи босқини бўлган социализм тўла ва узил-кесил ғалаба қилди.

Социалистик тузум мамлакатда ишлаб чиқариш қулақлари ривожлантириш учун кенг

йўл очиб берди. Натияда СССР қисқа вақт ичида санает маҳсулотининг ялпи ҳажми жаҳонда Европада биринчи ва дунёда иккинчи ўринга чиқиб олди. Иқтисодий ривожланишнинг суръатлари жиҳатидан эса дунёда биринчи ўринда бормоқда.

Коммунистик партия Лениннинг эришган ютуқлар билан мағбурланб кетмаслик, ҳар доим олға қараб бориш тўғрисидаги васиятларини амалга ошира бориб, коммунистик жамият қурилишини кенг авж олдириб юбориш программасини белгилади. Партиянинг бу программаси ленинизм руҳи билан суғорилган КПСС XX ва XXI сьездлари ҳамда КПСС Марказий Комитетининг Пленумлари қарорларида ўз ифодасини топди. Партия шахсга сингийннинг зарарли оқибатларини тўғати, партия илгари демократиясининг ленинча принципларини тиклади ва янада ривожлантирди.

КПСС XXI сьезди совет жамияти тараккиятининг янги даврига, коммунистик жамият қурилишини кенг авж олдириш даврига қадам қўйганлигини қўрсатиб берди.

КПСС XX ва XXI сьезди қарорларида ва ўрток Н. С. Хрушчевнинг докладларида социализмдан аста-секин коммунизмга ўтишнинг туз назарий проблемаларини ишлаб чиқилди ва янада ривожлантирилди. Марксизм-ленинизмнинг илгорий ривожлантиришнинг классик намунаси бўлган КПСС XXI сьезди коммунистик жамият қурилишини кенг авж олдиришнинг улугвор программасининг таркибий қисми бўлган етти йиллик илани қабул қилди. Етти йиллик план экономикаси, маданияти ва халқ моддий фаровонлигининг тобора ўсишини таъминлашга қаратилгандир. Бу буюқ планнинг баъариллиги натижасида коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишда халқ қилувчи қадам қўйилди.

Етти йилликнинг иккинчи йил топириқларини мўдлагидан илгари олти билан баъариллиги учун астойдил меҳнат қиллаётган совет халқи санает маҳсулотини ишлаб чиқаришнинг жон бошига ҳисоблаганда илгор капиталистик мамлакатларга етиб олтиш ва улардан ўлиб кетишдан иборат СССРнинг асосий иқтисодий нафйасини баъариллигида ятта-натта ютуқларини қўлга киритмоқда. Йе-йининг 6 йил ичида СССРда аҳоли жон бошига санает маҳсулотини ишлаб чиқариш 71 процент ўсган бўлса, шу йиллар ичида АҚШда атиги 0,3 процентига ўсган, холос.

Ўрток Н. С. Хрушчев совет халқининг Коммунистик партия раҳбарлигида эришган бу ютуқларини қайд қилди, 1959 йил 28 ноябрда энергетика қурилишга бағишланган Бутуниттифоқ мейташда сўзлаган нутқида бундай деган эди: «Қани энди, Владимир Ильич Ленин халқнинг қандай ишлар қилганлигини, қандай мўжизалар яратганлигини, ўзининг эркин мамлакатини шу тариха ўзгартириб юбараётганлигини қўрсайди, бошидан кепкасини олтиб, таъзим қилган бўлир эди!».

Социализмнинг бир мамлакат доирасидан чиқиб, қудратли жаҳон системасига айланганлиги Лениннинг буюқлигини ва унинг таълимотининг ҳаётийли-

ЛЕНИННИ УЎИГАНДА...

Муъжазгина хона, осойишта, жим, Эшитилар арақ шитири гоҳда, Қўзлар сатрларда экан, бетиним — Қанот қоқар севинч қушн нигоҳда, Ҳар ҳарф, мисра-ю, жулалар оша Қаршимда намойи доҳининг ўзи, Ушга тийран боқиб, табассум ўша... Қулоқда жаранлар оташни сўза,

Турбиди кафтида порлоқ келажак — ГОЭЛРО нурига қўлланган ҳолда, Унинг даҳосидан гурқираб чечак — Чўл ўрнида унган чаман нигоҳда... Қалбимда бир дунё фаҳр туйғуси, Доҳи таълими-ла улғайар онгим, Ҳаёт йўлланимаси унинг ҳар сўзи, Унинг меҳри билан қулган бахт тоғим. Гулчехра НУРУЛЛАЕВА, САГУ студенти.

ИЛЬИЧ ЧИРОҚЛАРИ

Келажакка ишонч қўли билан боқувчи жонажон доҳимиз Владимир Ильич Ленин Совет ҳокимияти ғалаба қилган дастлабки қулардаёқ мамлакатни электрлаштириш халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришда жуда катта аҳамиятга эга эканлигини ўқитиб ўтган эди.

Доҳимизнинг ана шу оқилона кўрсатмасига оғимшай амал қилиб келаётган партия ва ҳукуматимиз энергетика хўжалиғимизни ривожлантиришга алоҳида эътибор бера-йитилар. Буни республикамиз миода ҳам аққол қўришимиз мумкин.

Халқ ақлидагила электр қуввати дунёда фойдаланиш у ёйда турсин, электр лампочка нима эканлигини аниқ тасаввур қила олмайдиган ўзбек хонадонига бугун Ильич чироқлари порлаб турибди. Эндиликда республикамизнинг эфг чекка жой-

ларида ҳам Ильич чироқлари нурдан баҳраманд бўлмаган хўжалик ёки хонадонни учратиш мушкул.

Севикли Ильичимиз орузларининг рўёба чиққанлигини шундай ҳам қўриш мумкин, электр қуввати халқ хўжалиғимиз барча соҳаларининг томир-томирига синғиб кетди. Электр қуввати қорхоналарда, қишлоқ хўжалигида неча минглаб қудратли моторларни қаракатга келтирмоқда, меҳнатсевар ишчиларимиз, миришкор деҳқонларимизнинг оғирини енгил қилмоқда.

Ҳозир Ўзбекистонда Ноксйода-даги қараганда 6 баравар, Туркияда-даги қараганда 3 баравар кўп электр қуввати ҳосил қилинмоқда.

Республикамизни электрлаштиришда Тошкент области етакчи роль ўйнайди. Ўтган қисқа мўддат ичида Тошкент областининг энергетика хўжалиги шу қадар юксалиб кетдики, эндиликда у 18 та гидро ва 3 та иссиқлик электр станцияларини бirlаштириб турибди. Ана шу гидро-станциялардан 16 таси Чирчиқ-Бўзсув ирригация-энергетика трактини ташкил қилган. Бу гидро-станциялар касадди Иттифоқимиздаги асос. жаҳондаги эфг йирик каскадлардан бири ҳисобланади.

Шу нарсга қувончлики, областининг энергетика хўжалигида Иттифоқимизда биринчи марта электр станциялар ва подстанцияларда автоматизация ва телемеханика кенг жомий қилинди. Бу, шубҳасиз, партия ва ҳукуматимизнинг ленинча миллий сисёти таънасиридир.

Етти йиллик мобайнида халқ хўжалигинининг барча соҳаларини янада тез суръат билан ривожлантириш қўзда тутилди. Ана шу ваифаларни халқ қилиш учун янада кўпроқ электр қуввати талаб қилинади. Шу сабабли ҳам етти йиллик мобайнида аниқ-яниқ электр станциялар қўриш ва ишга тушириш мўжлашланган. Чунончи Тошкент ТЭЦи шулар жумласидаядир.

Илгир келажакда Тошкент области ва республикамиз ёпасига афётирлаштирилади. Бу, «Коммунизм — Совет ҳокимияти ва бутун мамлакатини электрлаштириш демайдир» деган Ленин формуласининг муваффақият билан амалга оширилганлигини қўрсатувчи ёрқин далилдир.

А. ҲАМИДОВ,
«Ташэнерго» бошқармасининг бошлиғи.

Ленин асарларининг нашр этилиши

◆ Ҳозирги вақтда В. И. Ленин асарлари Совет Иттифоқида 88 тилда, шу жумладан СССР халқларининг 62 тилида, чет мамлакатлар халқларининг 26 тилида нашр этилмоқда.

◆ 1917 йилдан 1959 йилгача мамлакатимизда нашр этилган Ленин асарларининг умумий тиражи 300 миллион 510 минг нусхадан иборат. Шундан 229 миллион 761 нусха рус тилида, 87 миллион 171 минг нусха СССРдаги бошқа халқлар тилларида, 16 миллион 881 минг нусха эса чет мамлакатлардаги халқ тилларида босилиб чиққан.

◆ Совет ҳокимияти йиллари мобайнида В. И. Ленин асарлари Ўзбекистонда 4 миллион 896 минг нусхада нашр этилди.

◆ Болгария, Венгрия, Хитой Халқ Республикаси, Польша, Руминия ва Чехословакия каби социалистик мамлакатларда В. И. Лениннинг танланган асарлари турлича совет наشري асосида босилиб чиққан. Германия Демократик Республикаси ва Мўрувудстон Халқ Республикаси аса улуг доҳининг танланган асарларини таржима қилиб, нашр этиш ишлари давом этмоқда.

◆ В. И. Ленин асарлари Ер курачсининг ҳамма жойида таржима қилинади. Уқилди ва ўрганилади. ЮНЕСКО йил «Индекс трансляционум» бўлаётини халқаро қараганда 1955 йилда 55 та калиталистик мамлакатда 24 мингта таржима адабети нашр қилинган. Шулар орасида В. И. Ленин асарлари биринчи ўринини эгаллаган; унинг 371 та асари турли мамлакатларда босилиб чиққан.

◆ В. И. Лениннинг «Империализм капитализмнинг юқори босқини» асари АҚШ, Англия, Франция ва Германияда 1921 — 1923 йиллардан бошлаб 1950 йилгача 91 мартада нашр этилган.

Р. НОРЖИГТОВ.

МИЛЛИОНЛАРНИНГ ҚАЛБИДА

«Лениннинг улуглиги ҳам шундаки, у назарияни практика билан бир-бирига доҳиёна пайванд қилди, турмушдаги янги ҳодисаларни умумлаштириб, назарияни ривожлантирди, жамиятнинг ри вожланишидаги асосий тендиенцияларни пайқаб ола билди ҳамда партияни ва ишчилар синфини коммунистик жамият қуришнинг равшан программаси билан қуроллантирди».

Н. С. ХРУШЧЕВ.

«Биз ҳозирги вақтда мамлакатимизда олиб борилаётган ҳамма ишларда Ильичнинг роли қанчалик катта эканлигини биламиз. У кўп ва жуда кўп йилларга етадиган мустаҳкам куч-қувват бахш этди».

Н. К. КРУПСКАЯ.

«Ҳаётни чуқур ўрганиш, доимо халқ ичига кириб ишлаш, меҳнаткашларнинг нимага қизиқилишини ва талабларини яхши билиш, омманинг жуда бой тажрибасини эгаллаш керак — Влади мир Ильич Ленин бизга тинмай ана шундай таълим бериб келди».

Е. СТАСОВА.

«В. И. Ленин мислсиз оқ кўнғил, рўйроқ гапирадиган, вазмин, темирдек мустаҳкам мантиққа эга бўлган маданий ва ҳар томонлама билимли киши эди. Ленин — бу янги инсоннинг тақомиллашган типидир; у биз учун келажакнинг тисмоли эди».

ПОЛЬ ВАИАН — КУТЮРЕ.

ЛЕНИН ҒОЯЛАРИ КОММУНИЗМ ЙЎЛИНИ ЁРИТМОҚДА



Ўлмас ва илҳомбахш образ

Башариётнинг улғу генийи, Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси Владимир Ильич Лениннинг ўлмас ва илҳомбахш образи бутун дунё меҳнатшароитининг қалбларига янба келмоқда. Ер юзининг миллион-миллион оддий кишилари улғу доҳининг қадридон сиймосини ёлла сақлаб, уни кўз олдларига келтирадilar. Уни ўз қаторларида бирга юрганда ҳис қиладилар.

Улғу доҳининг ёрқин образини халқимиз саҳнада ва экранда кўришни ороу қилар эди.

1930 йилнинг охирида тамошбаинларимиз совет саҳнасида ва экранларида доҳининг қадридон образини биринчи қўришга муассар бўлилар. Машҳур рус артисти Борис Шучкин биринчи марта В. И. Ленин образини яратди.

Совет драматурглари, атоқли адабларимиз В. И. Лениннинг ҳаёти ва революцион фаолиятига боғлиқ бўлган воқеалар ҳақида янги саҳна асарлари яратиб беришди. Бу даврда И. Погодиннинг «Милтиқчи киши», «Кремль курагани», А. Корнейчукнинг «Хатиралар», К. Треневнинг «Нева қирғонда», пьесалари, кинорежиссер Каплернинг «Ленин 1918 йилда» деган фильми тамошбаинларга тақдим этилди.

Улғу доҳининг илҳомбахш образини яратиш ўзбек совет адабиёти ва санъати арбобларининг ҳам кўп қизиқтириб келди.

Республикаимизнинг кекса театри Ҳамза номли ўзбек давлат академик драма театри Москва, Ленинград санъаткорларидан таълим олиб, уларнинг яқиндан кўрсатган ижодий ёрдамларидан баҳраманд бўлиб, ўз саҳнасида В. И. Ленин образини яратишга киришди. 1940 йилда театр саҳнасида Н. Погодиннинг «Милтиқчи киши» пьесаси қўйилди. Бу пьесада В. И. Ленин образини атоқли артист Саъдийхон Табибуллаев муваффақиятли ижро этди. Бу спектакль 1940 — 1941 йилларда тамошбаинларга кўп марта кўрсатилди.

Улғу Ватан урушидан кейинги йилларда театр коллективи Н. Погодиннинг иккинчи пьесаси «Кремль курагани»ни саҳнага қўйди. Бу пьесада В. И. Ленин образини театрининг маҳоратли артисти Шуккур Бурхоннов катта муваффақият билан ижро этди.

Шуккур Бурхоннов 1950 йилда В. С. Вишневскийнинг «Учугилмас 1919 йил» асарида (режиссёр Н. В. Ладинин) В. И. Ленин образини аўр маҳорат билан ижро этди.

Театр коллективи улғу доҳий ҳақидаги янги пьесаларни тамошбаинларга тақдим этди. 1952 йилда театр саҳнасида И. Поповнинг «Ойла» пьесаси қўйилди. Бу пьесада Ёш Ленин — Володя Ульянов образини талантли артист Махсум Юсупов аўр мароқ билан ижро этди.

1957 йилда атоқли ўзбек совет драматурги Комил Яшин ўзининг «Йўлчи юлдуз» пьесасини ёзди. Бу пьесада доҳимиз В. И. Ленин образи яратилган эди. Режиссёр Т. Хужаев саҳналаштирган бу асарда В. И. Ленин образини Шуккур Бурхоннов катта маҳорат билан ижро этди. Бу спектакль Москвада икки марта кўрсатилди. В. И. Ленин образини яратган Шуккур Бурхонновга самаралли ижодий фаолияти учун СССР халқ артисти деган юқори унвон берилди.

Ҳозир, улғу доҳимиз В. И. Ленин туғилган куннинг 90 йиллиги муносабати билан театр коллективи «Кураш йиллари» деб аталган уч бўлимдан иборат адабий драматик композицияни тамошбаинларга кўрсатмоқда. Бу ижодий коллективимизнинг шонли юбилейига муносиб совасандир.

Ольга ХУЖАЕВ, СССР халқ артисти.

Суратда: «Йўлчи юлдуз» спектаклидан бир кўриниш. В. И. Ленин ролида СССР халқ артисти Шуккур Бурхоннов.

Лекция, суҳбат, фотомонтаж ва кечалар

Бутун прогрессива инсоният улғу доҳимиз В. И. Ленин туғилган куннинг 90 йиллигини аўр тантана билан нишонламоқда. Областида ҳам шу улғу кўнга қизғин таъбирлар қилинди.

Тошкент шаҳар партия комитетининг сўсий маориф уйида танқиқ қилинган В. И. Ленин асарлари виставкасида доҳининг ҳилма-ҳил асарлари билан таанишш мумкин.

Шаҳардаги завод-фабрикаларда, ишчи клубларида, кутубхоналарда, маданият уйлари ва саройларида «В. И. Ленин — мангу барҳаёт», «Доҳининг унутмас образи», «Ленин насиллари» каби ва бошқа рангбаранг темаларда лекция, суҳбат ва адабий кечалар ўтказилди. Ленин образи яратилган спектакллардан нарсалар кўрсатилди, революцион қўшиқлар жараиёла.

Областимизнинг Янгйўл, Бексбод, Урта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Оржоникидзе каби районларидаги маданият уйларида «Доҳий сиймоси», «Ленин ҳамша биз билан» темаларида ўтказилган адабий кечалар жуда сермизум бўлди.

Пойтахтимиздаги Навоий номли халқ кутубхонасидаги катта ва кичик залларда танқиқ қилинган В. И. Ленин ҳаёти ва революцион фиолиятига бағишланган виставкани тамошбаинлар аўр қизиқиш билан кўздан кечиришар.

х. ШАРИПОВ.

БИЗ ЛЕНИН АВЛОДЛАРИМИЗ

Биз Лениннинг авлодимиз, Биз Лениннинг боласимиз, Коммунизм туабогининг Гулимиз, доласимиз.

Бу қўшиқни биринчи синф ўқувчиси Бахтиёр ширин тили билан қўшиб айтади. Унинг кетидан тизмочка сочинга оппоқ лента тақиб олган қизча чиқди.

— 7-синф ўқувчиси Захро ўзининг улғу доҳийга бағишлаган ёган шеърини ўқиб беради, — деди бош пионер вокалий Валентина Александровна.

Ленин қалбимизда, байроғимизда Яшмоқда бутун, яшар абадий. Ленин партиясининг тамхўрлигиндан Бахтиёр ёшларимиз жўшар абадий...

Захронинг сўнгги сўзлари қарсақларга кўчилиб кетди. Унинг кетидан яна бахтиёр Ленин авлодлари қизча севили доҳий ҳақида тўқилган шеърлар, юрак тароваларини ифодали қилиб ўқинарди. Булар Тошкентдаги Ленин номли 1-мактаб-интернатнинг ўқувчилари. Улар доҳий туғилган куннинг 90 йиллигига бағишланган юбилей кечасини ўтказмоқдалар. Ёшларнинг қалбларида улғу болаларига нисбатан меҳр-муҳаббат ҳислари қайнамоқда. Улар доҳий ҳақида «Бутун Ленин туғилган кун», «Ленин», «Ленин сўзи» сингари жўшиқ шеърларни завқ билан ўқинарди. Уларнинг шодибна жараиғли овозлари залини лиғратарди. Ҳа, улғу ҳақиқий Ленин авлодлари. Улар Ленин йўлидан, Ленин масаҳатларига, васиятларига амал қилиб, доим олға бормоқдалар.

Тўрт йилгина аввал қурибди нинга туширилган бу мактаб-интернатда ўқиниб турган бахтиёрлар.

Захронинг сўнгги сўзлари қарсақларга кўчилиб кетди. Унинг кетидан яна бахтиёр Ленин авлодлари қизча севили доҳий ҳақида тўқилган шеърлар, юрак тароваларини ифодали қилиб ўқинарди. Булар Тошкентдаги Ленин номли 1-мактаб-интернатнинг ўқувчилари. Улар доҳий туғилган куннинг 90 йиллигига бағишланган юбилей кечасини ўтказмоқдалар. Ёшларнинг қалбларида улғу болаларига нисбатан меҳр-муҳаббат ҳислари қайнамоқда. Улар доҳий ҳақида «Бутун Ленин туғилган кун», «Ленин», «Ленин сўзи» сингари жўшиқ шеърларни завқ билан ўқинарди. Уларнинг шодибна жараиғли овозлари залини лиғратарди. Ҳа, улғу ҳақиқий Ленин авлодлари. Улар Ленин йўлидан, Ленин масаҳатларига, васиятларига амал қилиб, доим олға бормоқдалар.

Тўрт йилгина аввал қурибди нинга туширилган бу мактаб-интернатда ўқиниб турган бахтиёрлар.



Суратда: 7-синф ўқувчиси Захро Муҳаммадзонова доҳий Ленинга атаб ёган шеърини ўртоқларига ўқиб бермоқда. В. Салов фотоси.

Ленин номли колхозда

Лекция каби пахтазор, Бахтиёрлик бепоей. Халол меҳнат дурдона — Оқ олтин тўла қарбей. Ленин номли колхозда Фахри меҳнатини. Кундан-кунга ортади Шонимиз-шавкатимиз, Ленин берди бу бахтиёр. Ҳаёт бўлди фаровон. Ильич нурлари билан Кишлоғимиз чароғон. Улғу доҳий ном-ла, Ҳаётда тоилдик инбоб. Кўш каби пороқдир, Ёрқин бизнинг истиқбоб.

Маъруф ҚОРИЕВ.

Улар ўз маҳсулотларини ўртоқлари ағнида қўридилар.

Шуёш қувончлики, интернатда бу иш қиз болалариники, буниси ўғил болалариники деб ажратилмайди. Токарлиқини, слесарлиқини анча ағаллаб қолган қизлар ўғил болалардан қолшмайди. Балзилари ўчинчи, айримлари тўртинчи разряд олмишган. Мукаррам, Маърифат, Эльмира, Флора сингари чевар қизлар устaxonларини илгортлар.

Интернатда ишлаб турган 24 хил тўғарақ болаларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялайди, уларнинг эстетик қобилиятини ўстиради. Ўқувчилар чалган қўшлар, айтган қўшиқлар, ижро этган рақслар кишига завқ-шавқ бағишлайди. Шўннинг учун ҳам интернат бадий ҳаваскорлар тўғарақининг иштирокчилари Москвада бўлиб ўтган кўрикда биринчилиқни олган.

Буларнинг ҳаммаси мактабда таълим-тарбия ишларининг турмуш билан боғланганига катта эътибор берилаётганлигидан, доҳий Ленин таълим берганидек политтехник таълимни кенг жорий қилинаётганлигидан, назарини практика билан, ишлаб чиқаришнинг амалий талаблари билан қўшиб ўргатилаётганлигидан далолат беради.

Шу кунин пионерлар интернатининг кўркам биноси атрофида ўзлари ҳосил қилган чаманзорда саф тортиб турдилар. Доҳий юбилейга бағишланган «Биз Ленин набиралари», «Ленин шонини қўйлаймиз», «Ленин номи қалбимизда яшайди» темаларида дружина соборларини ўтказдилар. Бу соборларда улғу доҳийнинг ҳаёти ва революцион фаолиятига оид суҳбатлар ўтказилди, бахтиёр, кўшболак улғу улғу доҳийга, жонжон партия ва ҳукуматимизга миннатдорчилик қилар билан тўлган оташин шеърлар, сермазмун ҳикоялар ўқилди.

Мактаб-интернат кўчогига таълим олаётган қувноқлар улғу доҳийнинг «Ўқин, ўқин ва ана ўқин» деган васиятини амалга ошириш, Ленин наслига муносиб бўлиш учун гайрат ва сабот билан ўқимоқдалар.

Ф. УСМОНОВА, М. САЪДУЛЛАЕВА.

Бутун дунё меҳнаткашлари Ленин кунини нишонламоқдалар

ХИТОЙ

ПЕКИН, (ТАСС). Хитойнинг марказий ва маҳаллий матбуоти В. И. Ленин туғилган кунининг 90 йиллигига бағишлаб кўп мақола ва материаллар эълон қилмоқда. Газета ва журналлар газет-хонларини ишчи ва деҳқонларнинг дунёда биринчи давлати асосчисининг ҳаёти ва фаолияти билан таъништирмоқдалар.

Шанхайдаги чет эл адабиёти нашриёти муҳим кўнга бағишлаб, «Ленинги гимн» тўпламини кўп нусхада чиқарди. Бу тўпламда В. Маяковский, Д. Бедный, М. Исаковский, А. Сурков ва бошқа совет шоирларининг В. И. Ленин тўғрисидаги 60 дан ортиқ шеърлари ва поэмалари бор.

Муҳим кун шарафига ҳамма жойда турли тадбирлар ўтказилмоқда. Пекинда ва Хитойнинг марказий вилоятларида ҳамда автоном районларида, шунингдек қорхоналарда ва муассасаларда В. И. Лениннинг хотирасига бағишланган фотовиставкалар очилди, Ленин тўғрисида ҳужжатли фильмлар намоиш қилинмоқда.

Халқ вакиллари Умум Хитой мажлисининг мажлислар залида Владимир Ильичнинг Хитойда нашр этилган асарлари виставкаси очилди. Виставка уч бўлигга ага. Биринчи бўлим бу ерга келувчиларини Лениннинг 1917 йилдан 1927 йилгача Хитойда нашр этилган асарлари билан таъништиради. Иккинчи бўлимда В. И. Лениннинг 1927 йилдан мамлакат овоз этилганга қадар Хитой тилига таржима қилинган мақола ва китоблари қўйилган. 1949 йилдан 1960 йилгача бўлган даврнинг ўз ичига олувчи виставканинг учинчи, ағн йирик бўлими халқ Хитой тилига таржима қилинган мақола ва китоблари қўйилган. 1949 йилдан 1960 йилгача бўлган даврнинг ўз ичига олувчи виставканинг учинчи, ағн йирик бўлими халқ Хитой тилига таржима қилинган мақола ва китоблари қўйилган.

РУМИНИЯ

БУХАРЕСТ, (ТАСС). Мамлакатда В. И. Ленин туғилган кунининг 90 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган йиллишларда, лекцияларда, суҳбатларда, адабий кечаларда, киносеансларда, спектаклларда неча минглаб румин ишчилари, деҳқонлари, зиёлилари, ҳарбий хизматчилари, студентлари ҳозир бўлмоқда.

Пойтахтнинг Ленин районидати зиёлиларнинг кўп кишилик йиллишда юстиция министри Г. Диаконеску «Ленин ва ҳозирги замон фанининг тараққиёти» деган темада доклад қилди, Бухарест ёзувчиларининг йиллишда аса шоир М. Бреслашу «Ленин ва адабиёт ҳамда санъат проблемалари» деган темада доклад қилди.

Тимишоара областидаги 45 кишида «Социализм қурилиши тўғрисида Ленин таълимоти» темасида лекция ўқилди. Шу областнинг кўпгина кишлоқларида жаҳон пролетариати йўлбошчисининг ҳаёти ва фаолиятини акс эттирадиган виставкалар очилди.

Шу кунларда Руминия матбуоти В. И. Ленин ўлмас таълимотининг Руминияда ижодий тарзда қўлланилаётганлигини кўрсатувчи кўпгина материалларни босиб чиқармоқда; В. И. Ленин тўғрисидаги хотиралар, унга бағишланган шеърлар ҳам босиб чиқарилмоқда.

ВЬЕТНАМ

ХАНОЙ, (ТАСС). Вьетнам информация агентлигининг хабар беришича, Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 90 йиллиги муносабати билан, бу ерда президент Хо Ши Миннинг В. И. Ленин ҳақида ёган ва 1924 йил билан 1926 йиллар ўртасидаги даврда Совет Иттифоқи ва Франция газеталарида эълон қилинган мақолалари тўплами босилиб чиққан. Бу мақолаларда В. И. Лениннинг муштамлакаларда ва Шарқ мамлакатларида революция тўғрисидаги ҳулосалари нараз қилилади.

Г Д Р

БЕРЛИН, 20 апрель. (ТАСС). Кеча СССРнинг Германия Демократик Республикасидаги элчиси М. Г. Первухин В. И. Ленин туғилган кунининг 90 йиллиги ақинлашиб келадиганлиги муносабати билан «Бахтиёр Ленин» ва «Бу ерда Ленин ашаган» ҳужжатли кинофильмларининг жамоат кўргини уюштирди.

Кўрикда Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. Ульбрихт, Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети Сўсий бюросининг аъзолари ва Сўсий бюро аъзолигига кандидатлар, министрлар, дипломатлар корпусининг аъзолари, демократик партиялар ва оммавий ташкилотларнинг раҳбарлари, Германия Демократик Республикаси пойтахтидаги жамоатчилик вакиллари қатнашдилар.

— 0 —

„Пахтакор“ яхши ўйнаши керак

Ўтган чоршанба кўни марказий «Пахтакор» стадионида мамлакат биринчилиги учун навбатдаги футбол мусобақаси бўлиб ўтди. Майдон ағалари «Зенит» (Ленинград) командасини қабул қилдилар. Оқиш айтиш керакки, «Пахтакор» бу сафар жуда ёмон ўйнаб, тамошбаинларини ранжитди. Футболчиларимиз уюшқоқлик кўрсатмадилар. Тошкентликларнинг ҳимои линияси (Козенков, Суюновлар) меҳмонлар ҳужумчиларини тўсиб турамадилар. Бунинг устига Красницкий, Тазетдинов, Беляковлар «Зенит» дарвозаси олдида бир неча марта жуда қўлай имкониятларни бой бериб қўйдилар, тўпни мўлжалга теполмадилар. Натижада «Пахтакор» 0:5 ҳисоби билан ютқази. Команда раҳбарлари бу мағлубиятдан жиддий ҳулоса чиқариб олишлари керак.

МУҒУЛИСТОН

УЛАН-БАТОР, 20 апрель. (ТАСС). Бугун Мўғулистон пойтахтида Владимир Ильич ҳаёти ва фаолиятига бағишланган доимий виставка тантанали вазиятда очилди. Виставкани очиб маросимда Мўғулистон халқ революцион партияси Марказий Комитети Сўсий бюросининг, Мўғулистон Халқ Республикаси ҳукуматининг аъзолари, элчионаларнинг бошлиқлари, Улан-Батор жамоатчилигининг вакиллари ҳозир бўлилар.

Очилган бу виставкада 600 дан ортиқ экспонат — асл ҳужжатлар, фото копиялар, совет рассомларининг суратлари, шунингдек Мўғулистон халқ усталарининг кўпгина асарлари бор.



Чехословакия Республикаси, Деҳқонлар Прагадаги В. И. Ленин музейида. Чехословакия Телеграф агентлиги фотоси.

Тошкентнинг ТАМОША ЗАЛЛАРИДА

22 АПРЕЛЬДА

19.00. Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 90 йиллигига бағишланган кеча олиб кўрсатилади.

Редактор: З. ЕСЕНБОВЕВ.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРА — 23/IV да Дилором (билетлар сотилган).

МУКИМНИ НОМЛИ ТЕАТРА — 22, 23/IV да Хоразм эртаси. Кеч соат 8 яримда бошланади.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 22/IV кеч соат 9 да В. И. Ленин туғилган кунининг 90 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон санъат усталари концерти.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Ўзбек цирки артистлари гастролнинг сўнгги кунлари, «Етти қувноқ» қизқичилар гуруҳини, италийн артистлари Беллей ва бошқалар. Кеч соат 8 да бошланади.

Ленин Октябрда — НАВОИЙ номли (орталаб соат 10 да).

Ленин 1918 йилда — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (орталаб соат 11 да).

Коммунист — «ЎЗБЕКИСТОН» (орталаб соат 10 да).

Ягона сафда — «СПУТНИК» (кундуз соат 2, кеч 6 ва 9 да), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз 1 ярим ва кеч 5 да).

Ленин ҳақида хотиралар (кундуз соат 12 да), 1) Н. С. Хрушчев Индонезияда, 2) А. И. Микоян Куба Республикасида, 3) Тўрт мард (кундуз 1, 2, 3, 4, кеч 5 ва 10 да) — КИНОЛЕКТОРИЙ.

Лайҳа эргаштирган хоним — НАВОИЙ номли (кундуз ва кеч кўрун), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 1, кеч 5 да).

9 да), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз 2, 4, кеч 8 ва 10 да).

Соядан қочиб — «СПУТНИК» (1-залда), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кеч кўрун), «ИСКРА» (1 ва 2-залда кундуз ва кеч кўрун, 3-залда кеч соат 7 дан), «МИР» (кеч 6, 8 ва 10 да).

Шўх қайрилишлар — «ВАТАН» (кундуз ва кеч кўрун), «МИР» (кундуз соат 12, 2 ва 4 да), «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч 8-20 минут ва 10 да).

Бир қизини учратдим — «СПУТНИК» (кундуз соат 12, 4 ва кеч 7 да).

Балтика шухрати — «МИР» (орталаб соат 10 да).

Разведкачининг жасорати — «ИСКРА» (3-залда кеч соат 6-20 минутгача), КАФАНОВ номли (кеч 8 яримда).

Хўрланганлар — НАВОИЙ номли (1 ва 2-серия кундуз соат 1 ярим ва кеч 9 яримда), «ВАТАН» (2-серия кеч 8-40 минутда).

Балтика депутати — «ВАТАН» (орталаб соат 9-40 минутда).

Павел Корчагин — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (орталаб соат 10 да).

Тойчоқ — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12 ва кеч 6-15 минутда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз 3, кеч 7 ва 10 яримда).